

ISLAMONLINE.UZ

halol.uz

Ҳалол



## Мажусийлар (оташпарастлар) ва унга ўхшаш тоифадагиларнинг сўйган ҳайвонлари



Мажусий (оташпарст)лар томонидан сўйилган хайвонлар хакида Ислом уламолари ихтилоф этганлар. Аксарият уламолар мажусийлар сўйган хайвонларни ейишликни ножоиз деб билиб таъкиклаганлар. Чунки улар мушриkdirлар.

Баъзи олимлар эса ҳалол деб билганлар. Чунки пайгамбаримиз саллоллоҳу алайхи вассаллам; "Ахли китобга кандай муносабатда бўлсангиз уларга ҳам шундай муомала

килинг" деганлар.

Имом Бухорий ва бошкаларнинг ривоят килишича Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи  
васаллам Хожар мажусийлари келтирган жизияни кабул килганлар.

Ибн Хазм бу хусусда шундай дейди: "Улар ахли китобдир, шунинг учун хар холда ахли  
китоб хукмидадирлар".

Имом Абу Ханифанинг фикрига кура, собиийлар (юлдузларга ибодат килганлар) хам  
ахли китобдан хисобланадилар.

## **БИР КОИДА: БИЛМАГАН НАРСАЛАРНИ СУРИШТИРМАСЛИК**

Мусулмон киши билмаган нарсасини излашлика мажбур эмас экас. Масалан: Ажабо, бу  
хайвонни кандай сўйган эканлар? Бутун шартларга амал килишганмикан ёки йўкми?

Сўйилаётганда Аллоҳ исми зикр килиндими килинмадими?, сингари саволлар билан  
шубҳага берилишнинг хожати йўқ. Чунки фосик бўлса хам мусулмон ёхуд ахли китобдан  
бир киши сўйган хайвоннинг гўштини ейишлик халолдир.

Юкорида Имом Бухорий ривоят килган бир хадисни эслатиб ўтган эдик: Бир гурух  
мусулмонлар ўзларига гўшт келтирганини, аммо унинг устида Аллоҳ номи тилга  
олинганми, йўкми, буни билмаганларини Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи васалламга  
билдирганларида пайгамбаримиз саллоллоҳу алайхи васаллам; "Сиз Аллоҳ таоло исмини  
зикр килган холда еяверинг" деганларини биламиз.

Уламолар мазкур хадис хусусида шундай деганлар: "Бу бутун феъл ва харакатларни  
сиххат ва саломат холати доирасида кабул килишликнинг далилидир. Бу масалада  
фасод ва бузгунчиликка доир бир далил мавжуд бўлса, у холда аввалги хукмлар  
ўзгаради".

Юсуф Каразовий "Исломда халол ва харом" китобидан  
Абу Муслим тайёrlади